ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

Д.М.Маматқулов

Мақолада халқ таълими ходимлари малакасини ошириш муассасаларининг таълим-тарбия тизимида тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари ва уларда таълим сифатини ошириш йўллари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: *андрагогика, андрагогик таълим, таълим сифати, тингловчи, замонавий педагогик технологиялар, ахборот комуникацион технологиялар.*

В статье рассматриваются место и роль учреждений повышения квалификации работников народного образования, их специфика и пути повышения качества обучения в них.

Ключевые слова: *андрагогика, андрагогигическое образование, качество образования, слушатель, современные педагогические технологии, информационно-технологические коммуникации.*

The article stresses the role and place of the educational system, its specific features and the ways of improvement the quality of education in retraining Institutes of Public educational staff.

Key words: *andragogy, andragogical education, quality of education, listener, modern pedagogical technologies, information communication technology.*

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири аҳолининг билим даражасини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси бевосита “Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш” масаласига бағишланган бўлиб, унда, жумладан, шундай дейилади: “Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”[1].

Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш муассасалари халқ таълими тизимида юқори даражада турувчи таълим муассасалари ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, уларда халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимлар ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар таълим оладилар.

Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш муассасаларидаги таълим-тарбия жараёни, албатта, бошқа таълим муассасаларидаги жараёндан фарқ қилади. Бу муассасалардаги таълим-тарбия жараёни андрагогика деб аталадики, андрагогиканинг катталар таълими ҳисобланиши барчага маълум.

Андрагогика таълими ўз хусусиятига кўра ёш авлодга бериладиган таълим ва тарбиядан фарқланади. Бу фарқ, биринчидан, унинг объекти катта ёшлилар экани, иккинчидан, мазкур катта ёшлилар ҳисобланмиш тингловчиларда нисбатан ўзгармас ҳаётий билим, кўникма ва малаканинг шаклланиб бўлгани билан белгиланади. Бу ҳол андрагогик таълим жараёнида бир қатор қулайликлар билан биргаликда айрим мураккабликларни ҳам келтириб чиқаради.

Қулайлик, аввало, аудитория диққатини жамлаш ва уни муайян масала устида узоқроқ ушлаб туриш имкониятининг мавжудлиги, иккинчидан, нисбатан қийин бўлган илмий мавзуни ҳам ортиқча изоҳларсиз аудиторияга тақдим этишнинг мумкинлигидир.

Мураккаблик эса андрогогик таълим тингловчиларда аввалдан мавжуд бўлган билим, кўникма ва малакалардан юқори даражадаги таълим – билим, кўникма ва малакаларни беришни талаб этиши билан белгиланади [2.43].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳозирги ғоялар кураши авж олиб бораётган мураккаб дунёда ёшлар тарбияси билан шуғулланаётган ўқитувчи ва мураббийларга жуда катта талаблар қўйилмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов: “Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот – ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз. Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз” [3.94] – деб таъкидлаган эди.

Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш муассасалари ўз функциясига кўра мактабгача таълим муассасалари ва ўрта умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг малакасини оширувчи ва бевосита шу жойлардаги таълим-тарбия сифатига масъул бўлган энг асосий таянч муассаса ҳисобланади. Бу муассасаларнинг мамлакат миқёсида вилоятлар кесими ва марказий кўринишда ташкил этилгани ҳам республикада мактабгача таълим муассасалари ва ўрта умумтаълим мактабларида таълим-тарбия ишини назарий ва методик жиҳатдан сифатли ташкил этишга масъул муассасалар борлигини англатади.

Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш муассасаларида таълим сифатини янада такомиллаштириш “занжир реакцияси” асосида мактабгача таълим муассасалари ва ўрта умумтаълим мактабларида ҳам таълим-тарбия сифатининг яхшиланишига олиб келади [4.67]. Шунинг учун ҳам таълим сифатини такомиллаштириш ишини малака ошириш муассасаларидан бошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирда халқ таълими ходимлари малакасини ошириш муассасаларида таълим сифатини такомиллаштиришда, бизнингча, қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, муассаса ходимлари ва тинглов-

чилар учун муассаса ички тартибини ташкилий жиҳатдан амалда йўлга қўйиш. Бунга:

- иш ёки ўқиш бошланиш вақтидан кечикмасликка эришиш;

- меъёрий ҳужжатларда белгиланган малака ошириш соатлари (масалан, 144 соат) тингловчилар томонидан бажарилмай қолишининг олдини олиш;

- малака ошириш жараёнида белгиланган кўчма машғулот ёки амалиётни тўлиқ ва сифатли ташкил этиш.

Иккинчидан, муассасадаги профессор-ўқитувчилар фаолиятининг сифат-самарадорлигини кўриб чиқиш. Бунда:

- кадрларга ўз соҳаси бўйича расман (дипломига кўра мутахассислиги, илмий унвони ва даражасини ҳисобга олган ҳолда) ва айни вақтда амалий томондан (берилган предмет бўйича билим даражаси, мавзуни атрофлича тушуниши ва уни катта ёшли тингловчиларга тушунтириб бера олиш қобилияти ҳамда бошқа томонларини) ҳисобга олган ҳолда иш бериш;

- малака ошириш цикли (ҳар ой) якунлангач, муайян механизм (масалан, кириш ва чиқиш тестлари натижалари)га кўра дарс ўтилган гуруҳлар кесимида профессор-ўқитувчилар фаолиятининг сифат-самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг рейтингини ишлаб чиқиш.

Учинчидан, тингловчиларга ахборот коммуникацион технологиялар (АКТ) ва замонавий педагогик технологиялар (ЗПТ)ни малака ошириш давомида ўрганишни қатъий талаб қилиб қўйиш. Бунинг учун:

- муассаса профессор-ўқитувчилари томонидан ахборот комуникацион технологиялар (АКТ) ва замонавий педагогик технологиялар (ЗПТ)нинг тингловчиларга ўргатилиши ҳолатини назоратга олиш;

- малака ошириш цикли (ой) тугаши арафасида тингловчиларнинг бевосита мазкур икки предмет бўйича кўникма ва малакаларини амалиётда, яъни малака иши ҳимояларида аниқлашни йўлга қўйиш.

Тўртинчидан, муассасанинг моддий-техник базасини модернизация қилиш. Бунинг учун:

- ўқув аудиторияларини АКТ билан жиҳозлаш ва дарс жараёнини шулар асосида ташкил этиш;

- муассасада доимий, дарслардан сўнг ҳам очиқ турадиган ва амалда ишлайдиган персонал компьютерлар жойлашган хоналарни ташкил этиш ва тингловчиларни улардан амалда фойдаланишга ўргатиш;

- муассасада domen.uz га асосларган очиқ интернет ҳудуди (wi-fi)ни йўлга қўйиш ва шу орқали тингловчиларни дарслардан кейинги вақтда ҳам интернетдан фойдаланишга ўргатиш;

- малака ошириш муассасаси маъмурияти билан бевосита боғланишдан ташқари интернет ёрдамида боғланиш (масалан, ректор ёки проректорларнинг e-mailга хабар ёзиш ва хабар олиш)ни йўлга қўйиш ва бу орқали муассаса ходимлари ва тингловчиларнинг умумий фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларидан хабардор бўлиб бориш.

Бешинчидан, муассасада маънавий-маърифий тадбирларни амалда йўлга қўйиш. Бунинг учун малака ошириш цикли (масалан, бир ой) давомида:

- атоқли фан ва санъат арбоблари билан учрашувлар ташкил этиш;

- тингловчилар жамоасининг илмий ва ижодий чиқишларини ташкил этиш;

- малака ошириш цикли (ой) охирида “Театрга ташриф” ёки “Қадимги обида ва қадамжоларга ташриф” каби тадбирлар орқали бутун тингловчилар жамоасининг маданий дам олишини таъминлаш ва уларга шу орқали маънавий озиқ бериш ва ҳоказо.

Хулоса қилсак, юқорида тилга олинган беш масала халқ таълими ходимлари малакасини ошириш муассасаларида таълим сифатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, мазкур муассасаларда юқоридаги бирлашмасининг эътибордан четда қолиши охир-оқибат таълим сифатига жиддий хавф туғдиради.

Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш муассасаларининг асосий вазифаси халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган кадрлар малакасини ошириш ва уларнинг билимларини замон талаблари асосида янгилаб, чуқурлаштириб бориш экан, албатта, уни бажариш учун барча имкониятларни ишга солиш бугунги куннинг энг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - Т.: 1997.- 9-сон.

2. Рашидов Х.Ф. Концепция развития системы повышения квалификации и переподготовки кадров в Республике Узбекистан. - Т.: Фан, 1998. – 114 с.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. – 173 б.

4. Мардонов Ш.Қ., Ходжаев Б.Х., Алмаматов Т.А. Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион-қадриятли йўналишлари: стратегия, тактика ва кафолатланган натижа. – Т.: Фан ва технология, 2014.- 192 б.

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ,
2016 йил 14 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Д.Шарипова)